

1/2024,
yanvar-
fevral
(№ 00069)



МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЭКСПОРТНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Кулимова Хуснида Махсуд қизи

Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети PhD, доцент,
husnida2016@mail.ru

ORCID: <https://orcid.org/0000-0003-3021-4045>

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol12_iss1/i31

Аннотация

Ушбу мақолада мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда экспорт салоҳиятининг аҳамияти келтирилган, шу билан биргаликда мамлакат экспорт динамикаси, унинг йирик ҳамкор давлатлар билан экспорт ҳажми, экспортёр корхона экспорт операцияларини амалга ошираётганда қўлланиладиган солиқ ва бошқа молиявий қўллаб-қувватлашга оид имтиёзлари тўғрисидаги маълумотлар ўрганилган. Шунингдек, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда экспортнинг аҳамиятини ўрганишга доир илмий мунозаралар юритилган ва таклифлар берилган.

Калит сўзлар: экспорт, товар, божхона, корхоналар, валюта, маҳсулот, ташқи иқтисодий фаолият, иқтисодиёт, молиявий имтиёзлар, қўшилган қиймат солиғи, солиқ имтиёзлари, солиқ.

РОЛЬ ЭКСПОРТА В РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ СТРАНЫ

Кулимова Хуснида Махсудовна

Ташкентский Государственный Экономический Университет PhD, доцент

Аннотация

В данной статье представлены значение экспортного потенциала в развитии экономики страны, а также данные о динамике экспорта страны, объеме экспорта страны с основными странами-партнерами, налоговых и других льготах финансовой поддержки, используемых предприятием-экспортером при осуществлении экспортные операции. Также даются научно-практические предложения по изучению значения экспорта в развитии экономики страны.

Ключевые слова: экспорт, товары, таможня, предприятия, валюта, товар, внешнеэкономическая деятельность, экономика, финансовые выгоды, налог на добавленную стоимость, налоговые льготы, налог.

THE ROLE OF EXPORT IN THE DEVELOPMENT OF THE COUNTRY'S ECONOMY

Kulimova Khusnida Makhsud kizi

Tashkent State University of Economics PhD, associate professor.

Abstract

This article presents the importance of the export potential in the development of the country's economy, along with the country's export dynamics, its export volume with major partner countries,

the tax and other financial support benefits applied when the exporting enterprise carries out export operations. Also, scientific discussions were conducted and proposals were made to study the importance of export in the development of the country's economy.

Key words: export, goods, customs, enterprises, currency, product, foreign economic activity, economy, financial benefits, value added tax, tax benefits, tax.

КИРИШ

Маълумки, экспортёр корхоналарни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашнинг мақсадлилигини оширишда, шунингдек, экспорт салоҳиятини оширишда экспорт товарлар ишлаб чиқаришга ва хизматлар кўрсатишга мамлакатда алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётини барқарорлаштириш бўйича муҳим ислохотлар амалга оширилмоқда. Рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда уларни экспорт қилиш учун зарур шароит ва имкониятлар тақдим қилинмоқда ва бу ўз самарасини бермоқда. Шунингдек, қўшни давлатлар билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, мамлакатларни ижтимоий-иқтисодий, савдо-саноат ҳамда маданий соҳалардаги алоқаларини ривожлантириш борасида катта ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Дунёдаги глобаллашув ҳамда жадал интеграциялашув жараёнларининг иштирокчиси бўлган Ўзбекистон ҳам ўзининг ҳалқаро иқтисодий муносабатларини мунтазам тарзда ривожлантириб келмоқда. Ушбу жараёнда экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш усулларида кенг фойдаланилади.

Бу борада Давлатимиз Раҳбари Ш.М.Мирзиёев “янги экспорт бозорларига чиқиш Ҳукуматнинг энг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолади”[1] деб таъкидлаганлар.

Мазкур вазифа ижросини таъминлашда экспорт фаолиятини янада ривожлантириш, тадбиркорлар ўртасида рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришда молиявий имтиёзларни қўллаш тартибини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиётида экспорт салоҳиятини янада ривожлантиришнинг аҳамияти долзарбдир.

Адабиётлар шарҳи

Д.Чакраборте, С.Мукерже таъкидлашларича, минтақавий инфратузими ривожлантириш минтақа ва ундан ташқарида экспорт-импорт операциялари учун божхона чегарасида ҳам транспорт коридорларини тақдим этиб, савдо вақтини камайтиришга ҳам ёрдам беради, шунингдек, минтақадаги давлатларни дунёнинг қолган қисмлари билан бирлаштиради. [2]

Н.М.Расулов, Б.Б.Муллабаевлар корхоналар экспорт салоҳиятини оширишда инновацион жараёнларни стратегик бошқаришнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаганлар.[3] Инновацион жараёнларни стратегик бошқариш ўз навбатида ушбу корхонанинг солиқ ва божхона имтиёзларидан қай даражада фойдалана олиш қобилиятига ҳам боғлиқлиги алоҳида аҳамиятга эга.

В.Квинк тадқиқотларида экспорт рақобатбардошлигининг XXI асрдаги кўринишига оид илмий назарий қарашлари алоҳида аҳамият касб этади. Унинг фикрига кўра, экспортни рағбатлантиришнинг очиқ бозор усули кенгроқ самара беради. Очиқ бозор усули солиқ, бож бўйича амалга ошириладиган фаолиятларни ҳам ўз ичига олади.[4]

Ж.Фелип ва У.Кумар савдони осонлаштиришнинг Марказий Осиё мамлакатлари ташқи савдоси ривожланишидаги аҳамиятини тадқиқ қилиб, экспортчи мамлакатлар учун инфратузилма савдо оқимида катта таъсир кўрсатишини, импорт қилувчи мамлакат учун божхона самарадорлигига эришиш муҳим эканлигини тадқиқ қилган.[5]

З.Қурбановнинг фикрига кўра, “мамлакатимиз валюта захирасини мустаҳкамлашда товар ва ишлар, хизматларни хорижга экспорт қилиш иқтисодий аҳамиятидан келиб чиқиб, экспорт операциялари солиқ аудити методологиясини такомиллаштириш зарур”. [6]

Ш.Д.Эргашходжаева томонидан олиб борилган тадқиқот натижалари экспорт фаолиятини рағбатлантириш жаҳон бозорининг таркиби ва ривожланиш хусусиятларига боғлиқлигини кўрсатади.[7]

Муаллифнинг фикрига кўра, экспорт фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарнинг кўпайтириш аҳолини иш билан таъминлашга, мамлакатда валюта тушумининг орттишига, янги техника ва технологияларни қўллаш имкониятини беради.

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақолада экспорт операцияларининг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамияти кўрсатиб берилган илмий анализ ва гуруҳлаш каби методларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар


Маълумки, экспортёр корхоналарнинг экспорт операцияларини амалга ошираётганда бир қанча солиқ ва бошқа молиявий қўллаб-қувватлашга оид имтиёзлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

-экспортчи корхоналарни молиявий ва ташкилий қўллаб-қувватлаш мақсадида Экспортни рағбатлантириш агентлиги ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда Агентлик томонидан экспорт фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарга бир қатор молиявий ёрдамлар кўрсатилиб келинмоқда. Масалан транспорт харажатларининг 50 фоизгача бўлган қисми агентлик томонидан қоплаб берилади. Бундан ташқари, халқаро стандарт сертификатлари жорий этилганда, уларнинг тўловлари ҳам агентлик томонидан қопланади. Халқаро кўргазмалар, ярмаркаларда тадбиркорлар иштирокини таъминлашда ҳам харажатларнинг маълум бир қисми агентлик томонидан амалга оширилади.

-экспортёр корхоналар экспортга чиқараётган маҳсулотлар учун ягона солиқ ва фойда солиғидан озод этилди. Дейлик, бир корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотининг 30 фоизини экспорт қилса, ўша 30 фоиз маҳсулот учун фойда ва ягона солиқдан озод этилади.

-тўғридан-тўғри ҳисобга олиш усулида экспорт қилишдан олинган фойда экспортга реализация қилишдан олинган даромад ва ушбу даромад билан бевосита боғлиқ бўлган харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Унга 0% ставка бўйича солиқ солинади. Қолган фойдага, шу жумладан – курсдаги фарқдан олинган фойдага солиқ солинади.

- экспорт фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар яна бир солиқ имтиёзи яъни қўшилган қиймат солиғини қайтариб олиш имконига эга эканлигини таъкидлашимиз мумкин. Яъни экспортёр корхоналарга қўшилган қиймат солиғини келиб тушган валюта тушумининг улушида ҳисобга олиш, импорт қилишда солиқни тўлаш бўйича кечиктиришда қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш, қўшилган қиймат солиғини тўлаш бўйича кечиктириш тақдим этилганда қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш каби имтиёзлар берилган.




1-расм. Ўзбекистон Республикаси Экспорт динамикаси (млн АҚШ доллари)[8]

1-расм таҳлиллари шуни кўрсатадики, 2022-йилнинг январ-декабр ойларида Ўзбекистоннинг экспорт ҳажми 19 309,1 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, 2019-йилнинг мос кўрсаткичига нисбатан 10,6 фоизга кўпайганлигини кўришимиз мумкин.

Бу борада шуни таъкидлаш жоизки, амалга оширилаётган ислохотлар натижасида, 2022 йилда экспорт ҳажми 19309,1 млн АҚШ долларини ташкил этди.

Шунингдек, қўйидаги 2-расм маълумотларидан шуни кўришимиз мумкинки, 2022 йил давомида Ўзбекистоннинг экспортдаги асосий шериги сифатида Россия ва Хитой давлатларига тўғри келган. Ўзбекистон Россия ва Хитой ўртасидаги ўзаро экспорт ҳажми мутаносиб равишда 3066,9 ва 2519,0 млн АҚШ долларини ташкил қилган.



2-расм. Ўзбекистон Республикасининг йирик ҳамкор давлатлар билан экспорт динамикаси (млн. АҚШ доллари)[8]

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳияти асосан йирик ҳамкор давлатлар Хитой Халқ Республикаси ва Россия билан ўзаро экспорт улуши савдо муносабатларида ошиб бормоқда. Шу билан бирга, расмдаги статистик маълумотлар таҳлилига кўра, Ўзбекистон Республикасининг экспорт таркибида товарлар диверсификацияси, яъни экспорт қилинаётган товарлар турлари кўпайиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, 2020-2022 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасидан Хитой, Россия, Қозоғистон, Туркия, Қирғизистон, Тожикистон давлатларига турли хилдаги бир нечта товар ва хизматлар экспорт қилинган. Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлари томонидан товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва йирик ҳамкор давлатларга экспорт қилиш учун янада кенг қулайликлар яратиш муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, 2022-йилда экспорт таркибида товарлар улуши 79,5 % ни ташкил этиб, шулардан саноат товарлари улуши 23,0 % ташкил қилган, озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар 8,4 % ва кимёвий воситалар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар 6,7 % ва қолган қисмини эса бошқа турдаги товар ва маҳсулотлар ташкил қилган.

Бунда, асосий эътиборни Ўзбекистон Республикасининг йирик ҳамкор давлатлар билан баъзи чегарадош вилоятларида товарларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга қаратиш муҳим ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар

Мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, экспорт салоҳиятини янада кучайтириш, экспорт фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарга инвестицияларни жалб қилиш ва унинг жозибадорлигини янада ошириш, солиқ ва бошқона фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирлар қўлланилиб

келинмоқда. Фикримизча, мазкур чора-тадбирларнинг амалиётга жорий этилиши қуйидаги натижаларга олиб келади:

1.Экспорт қилинадиган товарлар турлари чегарадош вилоятлардан йирик ҳамкор давлатларга экспорт қилинганда, уларнинг таннархи транспорт харажатлари ҳисобига камайишига ва экспорт ҳажмининг ошишига хизмат қилади.

2.Экспорт-импорт операцияларида божхона солиқ тизимини ислоҳ қилиш ва уни такомиллаштиришда уни амалга оширишнинг ташкилий-методологик жиҳатларини янада такомиллаштиришни таъминлайди.

3.Истиқболли экспорт бозорларини аниқлашга шу билан бирга, хориждаги экспортёр корхоналар фаолиятини чуқурроқ таҳлил қилган ҳолда экспорт маҳсулот ва товарлар ишлаб чиқаришни янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 29.12.2020

2. Debashis Chakraborty & Sacchidananda Mukherjee. How Trade facilitation Measures influence Export Orientation, Empirical Estimates with Logistics Performance Index data // Journal of Economics Library. 2016.

3. Н.М.Расулов., Б.Б.Муллабаев. Инновацион жараёнларни стратегик бошқариш-корхоналар рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омили.”Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. №5 сентябрь-октябрь, 2014 йил.

4. V.Kvint. Strategy for the global market. New York, London:Routledge Taylor & Francis, 2015. 520 p.

5. Felipe J., and Kumar U. The role of trade facilitation in Central Asia: A gravity model, Working Paper, №628.-New York: Levy Economics Institute, 2010

6. Қурбанов З.Н. (2011) Солиқ ҳисоби ва аудитининг назарий ва методологик асослари. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, Б. 26

7. Ш.Д.Эргашходжаева. Халқаро рақобат. Ўқув қўлланма.- Т.: ТДИУ, 2013.-328 б.

8. www.stat.uz-расмий сайти маълумотлари асосида тайёрланди